Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 6 октябрь, пайшанба № 151 (21.755). Сотувда эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ АНДИЖОНГА КЕЛДИ

4 октябрь. (ЎзА махсус мухбирлари Ғ. МИРЗО, К. НИЗОМ хабар қилади). Бугун республика Президенти Ислом Каримов Андижонга келди. Ислом Каримов Асака шаҳридаги «ЎзДЭУ» Ўзбекистон — Қурия Республикаси қўшма автомобиль корхонаси қурилишининг бориши билан танишди. Муҳандис ва ишчилар билан мулоқотда бўлди.

Бўз тумани Улуғбек номидаги жамоа хўжалиги, Комсомолобод туманидаги «Улуғнор» ширкатлар уюшмаси далаларини кўздан кечирди. Пахтакор ва ғаллакорлар билан суҳбатлашди. Суҳбатда юртбошимиз пахта билан бир қаторда ғалла етиштиришга алоҳида эътибор бериш лозимлигини, бу иқтисодий мустақилликка эришишда муҳим омил эканлигини таъкидлади.

Ислом Каримов Андижон шаҳридаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги боғда бўлди. Бобур даҳмасини зиёрат қилди, шоирнинг музейи билан танишди.

Кечқурун вилоят ҳокимлиги биносида фаоллар йиғилиши бўлди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Президентнинг Андижон вилояти бўйлаб сафарида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Бош вазир ўринбосари М. Усмонов, Андижон вилоят ҳокими Қ. Обидов ҳамроҳлик қилдилар.

ПРЕЗИДЕНТ НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА БЎЛДИ

НАМАНГАН, 5 октябрь. ЎзА махсус мухбирлари Ғулом Мирзо ва Назира Хўжаева хабар қилади. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Фарғона водийси бўйлаб сафари давом этмоқда. Наманган вилоятига ташрифи Задарё туманига қарашли Алишер Навоий номидаги жамоа хўжалиги пахта пайкаллари билан танишишдан бошланди.

Шундан сўнг Ислом Каримов Мингбулоқ нефть кони штабида бўлди, ишлаб турган ҳамда бурғилаш ишлари тугалланаётган нефть қудуқларини бориб кўрди. Кон раҳбарияти, ишчи-муҳандислари билан суҳбатлашди. Тўрақўрғон туманидаги «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалигига қарашли фермада Президент нафақат вилоят, балки республика миқёсида чорва наслдорлигини ошириш билан боғлиқ масалалар юзасидан тавсиялар берди.

Ислом Каримов Хўжанд қишлоғида истиқомат қилувчи 90 ёшли боғбон Абдужаббор ота Юсупов хонадонига ташриф буюрди. Президент Абдужаббор отанинг боғдорчиликда айниқса, сара навли узум етиштиришда эришган муваффақиятларидан мамнун бўлди. Юртбошимиз Абдужаббор отанинг кўп йиллик меҳнатини муносиб тақдирлаб, унга енгил автомашина совға қилди.

Тўрақўрғон шаҳридаги маданият саройида вилоят фаоллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман ҳокимлари, вилоят ташкилотлари раҳбарлари қатнашди. Вилоятнинг халқ хўжалиги соҳасида эришган ютуқлари ва мавжуд камчиликлар, иқтисодий ислоҳотнинг жойларда қандай амалга оширилаётгани билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Учрашувда Президент Ислом Каримов сўзга чиқди.

Сафарда республика Президентига Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Бош вазир ўринбосари М. Усмонов, Президент матбуот котиби М. Муҳаммад Дўст, вилоят ҳокими Б. Рапиғалиев ҳамроҳлик қилди.

ДИЛИ ВА ТИЛИ БИР ХАЛҚМИЗ

> "Биринчидан, бугунги устивор ақидамизда собит бўлайлик, яъни -жамиятимиздаги тинчлик, осойишталик ва барқарорликни янада мустаҳкамлайлик!"
>
> Ислом КАРИМОВ.

Сира қўнгилга тегмайдиган, дастурхонимиз кўрки бўлган, ҳамиша эъзозланадиган бир неъмат бор. Бу ризқ-рўзимиз нондир. Биз мустақилликка эришдик. Зеро, истиқлолнинг ўзи қорин гўйғазмайди. Уни асраш ва мустаҳкамлаш учун қадриятларни тиклаш, маънавиятга эътибор бериш билан бирга халқнинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилувчи ишлаб чиқариш мустақиллиги ҳам даркор эканлиги аён бўлиб турибди. Албатта, пахтачиликда эришилган мустақиллик билан фахрланамиз. Демак кийимбошимиз бут. Энди, ғаллачилик мустақиллиги учун курашмоқ зарур деган шиор республика Олий Кенгашининг якунловчи сессиясида ўртага ташланди.

Дастурхонимиз кўрки

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, нонимиз ва ошимиз мўллигини таъминлаш учун йилига 4 миллион тоннага яқин дон етиштиришимиз зарур экан. Шундагина ғалла танқислигига барҳам берилади. Халқимизни нон маҳсулотлари билан таъминлашни ўрнига қўйиш учун хорижга бориб юрилмайди. Муҳими, нонимиз арзон ва ширин бўлади. Бунинг учун қуёшли ўлкамизда ғалла етиштириш имкониятларини ишга солишимиз керак. Фақат лалми ерларнинг ўзи етарли эмас, суғориладиган майдонлар, кейинги пайтда тажриба қилинаётган ғўза ораларига дон сочиш йўли билан мўл-кўлчиликни таъминлаш борасида кўпроқ изланиш лозим.

Бизнинг туманда ҳам бу йўлда ибратли ишлар қилинмоқда. Хусусан, «Ҳисор» жамоа-ширкат хўжалигида лалми ғалла майдонлари билан ҳисоблаганда 1200 гектар ер текисланиб, бетон новлар ўрнатилиб, суғориладиган ерда ғалла экиш ишлари бошлаб юборилди, Савобли ишга 500 киши жалб этилди. Бу йил қарийб 3000 гектарлик пахта майдони ўрнига ғалла экиш ниятимиз бор. Туман бўйича суғориладиган ғалла майдонлари 11 минг гектарга, лалми ғаллазорлар эса 12 минг гектарга етказилади.

Холмурод РАҲМОНОВ,
Яккабоғ тумани ҳокими.

Утган умримга назар ташлайдиган бўлсам Бобур куйлаганидек: «Чарҳнинг мен кўрмаган дарду балоси қолдиму», дегим келади. Беш йил қонли урушда жанг қилишга тўғри келди. Ҳайтовур ризқ-насибамиз бутун экан она-юртимга қайтдик. Буёғини иккинчи умрим десам ҳам бўлаверади. Зеро, қарийб 35 йил темирйўлда хизмат қилишга тўғри келди. Билган одам билакдек изда, ғилдирак устида боришни нечоғлик «пулсирот» эканини ҳис этади. Турли хил одамлар билан мулоқотда бўлишга тўғри келади. Улар билан замон, турмуш ҳақида фикрларни эшитавериб, «дорилфунун»ни битиргандек бўларкансан, киши.

Ҳар қалай ҳаммасини кўрдик, кечирдик, аммо бугунгидек дориломон кунлар ҳар кимга ҳам насиб этмади. Биз ҳам бировга билдириб, бировга билдирмай ҳур замонлар ҳақида, истиқлол кунлар ҳақида ўйлардик. Мана, энди уч йилдан бери юртимизда мустақиллик шабадаси эсиб турибди. Ёшларга ҳавасим келади. Улар истиқбол сари, порлоқ келажак сари собит қадам ташлашмоқда. Ҳали шундай ажойиб турмуш юзага келади, ҳамма нарса ўзимизга хос, қадриятларимизга мос ҳаёт бошланади. Бунинг учун ўша бўлажак буюк давлат пойдеворини бугун мустаҳкамламоқ зарур. Изланиш, кўпроқ ўқиш, жаҳон тараққиётига хос уйғунликни касб этиш даркор.

ПОЙДЕВОР МУСТАҲКАМ БЎЛСИН

Муқаддас Ҳадиси шарифда айтилганидек, юртбоши Оллоҳнинг ердаги соясидир. Шу жиҳатдан қараганда биз Президентга ёлғиғамиз деб баралла айтиш мумкин. У кишининг Олий Кенгашимизнинг охирги мажлисида сўзлаган нутқларида айтганларидек: «Авлодларга озод ва обод Ватан қолдирайлик!», дегим келади.

Абдуҳаким АБДУМАЛИКОВ,
Уруш ва меҳнат фахрийси.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ II ҚУРУЛТОЙИ ОЛДИДАН

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ РЕСПУБЛИКА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ БИЛАН САЙЛОВОЛДИ ҲАМКОРЛИГИ ТЎҒРИСИДА

5 октябрь куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида мазкур партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар муносабати билан сайловолди Сиёсий дастурини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди. Унга партия Марказий Кенгаши биринчи котиби, Ишчи гуруҳи раҳбари А. Жалолов раислик қилди.

ИШЧИ ГУРУҲИ МАЖЛИСИ

Партия ходимлари, таниқли олимлар, адиблар иштирок этган мажлисда ушбу муҳим ҳужжатни тайёрлаш юзасидан қилинадиган биринчи галдаги вазифалар ҳақида келишиб олинди.

Ўзбекистон ХДП МК Матбуот маркази.

Қабул қилинган қарорда таъкидланишича, партиямиз Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми Марказий Кенгаш XII пленуми қарорларини бажара бориб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва амалдаги қонунларга таянган ҳолда, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Фахрийлар ташкилотлари уюшмасининг Кенгаши, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси, Ўзбекистон ногиронлар жамияти Марказий Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси байналмилал маданий маркази раҳбарияти билан биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловларга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш даврида ўзаро ҳамкорлик қилиш хусусида келишиб олди.

Имзоланган битимларга биноан мазкур жамоат ташкилотлари 1994 йил 25 декабрда ўтадиган сайловларда сайловчиларнинг фуқаролик ҳуқуқларини чегаламасдан ва овоз беришда эркинликка риоя этган ҳолда, ҳамма даражадаги вакиллик идораларидан Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан депутатликка номзодларнинг сайланишини таъминлаш мақсадида уларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида ўз аъзоларига мурожаат қиладилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси, дейилади қарорда, ўз томонидан партиянинг сайловолди Сиёсий ҳужжатида, депутатликка номзодларнинг дастурларида, уларнинг ҳокимият вакиллик идораларига сайланганларидан кейинги фаолиятларида ушбу жамоат бирлашмалари аъзоларининг манфаатлари ва муаммоларини собитқадамлик билан ифода қилиш ҳамда ҳаётга тадбиқ этиш чора-тадбирлари кўрилишини таъминлашни зиммасига олади.

Сиёсий ижроқўм ушбу сайловолди келишувлар Ўзбекистоннинг равнақи, истиқлолимизнинг нурли истиқболини яқинлаштириш ғояси атрофида халқимизни, мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларни жипслаштиришга, юртимизда ҳукмрон бўлиб турган тинчлик ва фуқаролар тотувлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ҳисоблайди.

Марказий Кенгаш Сиёсий ижроқўми сайловолди мавсуми даврида Ўзбекистон Президенти, ХДП Раиси И. А. Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган давлатимиз ички ва ташқи сиёсатини, ислоҳотлар йўлини, партиямизнинг навбатдан ташқари II қурултойи қабул қилажак сайловолди Сиёсий дастурини кенг сайловчилар оммасига ҳар томонлама тушунтиришда жамоат бирлашмаларининг маҳаллий ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтиришни Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига топширди.

Ўзбекистон ХДП МК Матбуот маркази.

ЮРТ ТАҚДИРИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Маълум мақсад билан саъй-ҳаракатлар қилган одамнинг муроди ҳосил бўлиши муқаррар. Истиқлол диёримизга ана шундай эзгулик йўлида собит қадам ташламоқда. Биз келажаги буюк, ҳуқуқий, демократик давлатни барпо этишга киришганмиз. Аммо истиқлол деганимиз ҳамма нарса муҳайё бўлмагани каби бундай шарафли, айни пайтда масъулиятли вазифани адо этиш учун катта куч-қудрат, ҳамкорлик, бирдамлик ва юксак ирода лозим бўлади.

Мен бир талаба, юртимнинг онгли бир фуқароси сифатида Ватаним тақдири — ўз тақдирим, деган фикрни кўнглимга туйганман. Балки бу баъзиларга баландпарвоздек туюлар. Лекин бунёдкор халқимизга ҳамнафас бўлишга нима етсин. Аёнки кейинги йилларда ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлардан кўнгил таскин топмоқда. Ҳа, юртбошимиз айтмоқчи Ватанимизни буюк ва ривожланган давлатлар қаторида кўриш учун баравар қуюнчаклик қилишимиз керак. Бу албатта жонбозликни тақозо этади. Назаримда Ватан, миллат манфаатини ўз манфаатидан устун қўймоқ, бошқача айтганда халқ манфаатини ўз манфаати деб билмоқлик керак.

Истиқлолнинг уч йили ичида эътироф этадиган ютуқлар рўёбга чиқди. Бироқ янада кўпроқ ютуқларга эришиш мумкин эди. Афсуски, ҳали ҳам эскича — шўро тузуми давридагидек ишлаётган, қуллуқ қилиш руҳиятига сингиб кетган, буйруқ кутишга ўрганиб қолган айрим раҳбар ходимларнинг борлиги кўпгина ишларни жадаллаштиришда панд бермоқда. Ваҳоланки, янгича ишлаш, ўйлаш вақти келган. Айниқса, ёшларга эътибор ва кенг йўл берилмоқда. Бу бежиз эмас. Яқин келажакда давлатни бошқариш ёшлар зиммасига тушиши табиий. Бундай фахрли ва масъулиятли юмушни ўринлатиш учун биз ёшлар кўпроқ изланишимиз, ўқишимиз, элим, деб ёнишимиз лозим бўлади. Шундагина, ой юлдузли байроғимиз жаҳон миқёсида янада сарбаланд қилпирайверади.

Азиз ОРИФ,
Фарғона Давлат университети толиби.

ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

5 октябрда Ўзбекистон Республикаси ФА И. Мўминов номли Фалсафа ва ҳуқуқ институтида Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланган «Улуғбек — буюк олим ва давлат арбоби» мавзуидаги илмий конференция бўлиб ўтди. Уни институт директори, фалсафа фанлари доктори Абдулҳафиз Жалолов очди ва олиб борди.

Конференцияда таниқли олимлар — фалсафа фанлари докторлари, профессорлар О. Файзуллаев, Ҳ. Алиқулов ва ҳуқуқ фанлари номзоди Ж. Тошқуловларнинг маърузалари тингланди. Унда қатнашган Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси гуманитар институтларининг илмий ходимлари, пойтахт олий ўқув юртларининг профессор ва ўқитувчилари, докторантлар, аспирантлар бобомиз Мирзо Улуғбек ҳақида бой таассурот олдилар. Шунингдек, буюк олим ва арбоб қолдирган бой меросдан фойдаланиб, уни янада чуқур ўрганиш муҳимлигини қайд этдилер.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Дон маҳсулотлари давлат концерни тасарруфидаги Тошкентдаги 1-ун заводи ишчи-хизматчиларининг кейинги вақтда маошлари анча ошди. Энди раҳбарлар уларга турли буйруқлар беришмайди. Аксинча самарали меҳнат қилишлари учун қулай шароит яратиб бермоқдалар.

• *Ислоҳот одимлари*

ТИРИШГАН ТОҒДАН ОШАР

Ишчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш учун ҳамда дам олиб, даволанишлари учун амалий ишлар қилинаётир. Масалан, корхонада август ойидаги ўртача маош 630 сўмни ташкил этди. Малакали мутахассислар эса 650-700 сўмдан маош олишмоқда. Бозор иқтисодиёти шароити қийинчиликларидан ишчи-хизматчиларни ҳимоя қилиш мақсадида корхона ошхонасида иссиқ овқат арзон нархларда сотилянти. Олис жойларда яшовчи ишчилар автобусда корхонага олиб келинади ва яна уйларига элтиб қўйилади. Тошкент денгизи бўйида заводнинг «Колос» номли дам олиш маскани мавжуд бўлиб, бу ерда ишчилар дам олишлари учун барча шароитлар яратилган. Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани Сойлиқ қишлоғида корхонанинг ёрдамчи хўжалиги ишлаб турибди. Мазкур жойда 900 бош чўчқа, 400 бош қўй боқилмоқда. Ёрдамчи хўжалик ҳудуди бир гектар ердан иборат. Бу ерга турли мевали кўчатлар экилган. Шунингдек, корхонада уй-жойга муҳтож ишчи ва хизматчиларга 16 та оилага мўлжалланган ғиштли уй қуриб берилди. Бугунги кунда эса Ҳамза туманида яна 46 та оилага мўлжалланган уй қурилиши жадаллик билан олиб борилмоқда.

Бундай ғамхўрликдан руҳланган корхона жамоаси ойлик режаларини ҳамиша ошириб бажараётир. Жамоада 380 нафар киши меҳнат қилади. Республикамиз нон заводлари ва комбинатларига, жумладан, шаҳримиз нон заводларига ҳамда дўконларига ун маҳсулотлари етказиб бериш корхона меҳнаткашларининг асосий вазифаси.

Ўтган йили бу ерда 163 минг тонна ун маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, шу йилнинг 8 ойи мобайнида 61 минг тонна ун ишлаб чиқарилди. Бу ерда иш икки сменада ташкил этилган. Буғдой 27 минг тонна сиғимдаги элеваторда сақланади. Бир кеча-кундузда 650 тонна буғдой ювилиб тозаланади ҳамда янчилади. Кунига эса 520 тонна ун ишлаб чиқарилади ва нон заводларига етказиб берилади. Уннинг 92 фоизи асосан нон заводлари ва комбинатларига, қолган 8 фоизи эса шаҳримиз дўконларига етказиб берилмоқда. Завод тегирмонида олий, биринчи ва иккинчи навли ун, макарон уни ва буғдой ёрмаси ишлаб чиқарилади. Буғдой ёрмасини ишлаб чиқариш республика ун заводлари ичида фақат ушбу корхонада йўлга қўйилган.

— Биз, — дейди корхона раҳбари Бахтиёр Раҳмоналиевич Раҳимов, — Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XVI сессиясида сўзлаган нутқидан жуда мамнунмиз. Чунки Ўзбекистон учун, халқимиз учун, иқтисодий мустақиллигимизга эришиш учун ғаллага бўлган эҳтиёжимизни ўз кучимиз билан қондиришнинг аҳамияти катта. Ҳа, қачонгача олтинимиз, пахтамиз эвазига четдан ғалла олиб келамиз. Ушбу муаммо ўз вақтида ижобий ечилмас экан, иқтисодий мустақиллик ҳақида гапириш ортиқча.

— Бугунги кунда, — дейди корхона бош муҳандиси Суннатилла Хўжаев.— Ғазалкент шаҳрида ун заводимизнинг филиали қурилмоқда. 1996 йилда иншоот тўла фойдаланишга топширилади. Бундай қулайлик шу ерлик аҳолининг ун маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини бирмунча қондиради. Тошкент булка-кондитер комбинати, Чирчиқ, Зангиота нон комбинатлари, Ғазалкент ижара нон комбинати ва Оҳангарон нон маҳсулотлари комбинати ун заводининг истеъмолчиси ҳисобланадилар.

Уннинг асосий қисми, яъни 64 фоизи қопсиз усулда махсус машиналарда истеъмолчига етказиб берилади. Қолган 36 фоизи эса қопларга солиниб, юк ташиш машиналарига ортилади.

Тиришган тоғдан ошар, дейди доно халқимиз. Ҳақ гап. Бунга биз корхона фаолияти билан яқиндан танишганимизда ишонч ҳосил қилдик. Бозор иқтисодиётининг қийинчиликларига қарамай завод тинимсиз ун маҳсулотини халқимизга етказиб бермоқда. Махсус машиналар ун маҳсулоти билан пешма-пеш тўлдирилянти. Камол Каримов, Сайқал Олимжонов, Владимир Смирнов, Хагани Байрамов сингари илғор ишчилар заводда ғайратшижоат кўрсатиб, бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар корхона омборхонасидан машиналарга ортилиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Корхона цехлари тўлиқ автоматлаштирилган. Корхона ўтган йили 1 миллион 300 минг сўм соф даромад олди. Бу йилнинг 9 ойлик натижалари ҳам чакки эмас.

Заводда ун қоплари етишмай турибди. Илгари ун қоплари Эстония, Латвия ва Россиядан келтирилар эди. Бу ҳол ўзаро алоқаларнинг бузилиши натижасида юзага келган. Бугунги кунда республика Вазирлар Маҳкамаси, Дон маҳсулотлари давлат концерни юзага келган муаммони ижобий ҳал этиш, унни қопсиз усулда ташиш ва сақлаш юзасидан тадбирлар кўраётир. У ҳал этилса, корхона маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириб, истеъмолчилар талабини қондириши шубҳасиз.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУРАТЛАРДА:
Тошкентдаги 1-ун заводи директори Бахтиёр Раҳимов.
Махсус ун ташиш автомашиналарига ун ортилаётган пайт.

Абдувоҳид ТУРАЕВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

I боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳуқуқий мақоми

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси республикада қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи олий давлат вакиллик органидир.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ ўз ваколатига берилган ҳар қандай масалани ўз муҳокамасига қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси бир палатали органдир.

Олий Мажлис ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп партиялилик асосида сайланадиган 250 нафар депутатдан иборат.

Олий Мажлис фаолиятининг доимий ва самарали бўлиши унинг сессиялари, Олий Мажлис Кенгаши, Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари ҳамда депутатларнинг иши билан таъминланади.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов

Олий Мажлис сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тартиби "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва унга мувофиқ чиқариладиган республиканинг бошқа қонунлари билан белгиланади.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ваколат муддати

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ваколат муддати — беш йил.

Ваколат муддати тугагач, Олий Мажлис янги чақириқ Олий Мажлис иш бошлагунга қадар ўз фаолиятини давом эттириб туради.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ваколатлари жумласига:

1) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

2) Ўзбекистон Республикаси Қонунларини қабул қилиш ҳамда уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

3) Вазирлар Маҳкамасининг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш;

4) Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари органлари тизимини ва ваколатларини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ белгилаш;

5) Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш;

6) бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш;

7) маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, Ўзбекистон Республикасининг негараларини ўзгартириш;

8) Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш;

9) Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига ва маҳаллий вакиллик органларига сайлов тайинлаш; Марказий сайлов комиссиясини тузиш;

10) Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ ваколати тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлов кунини тайинлаш;

11) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раисини ва унинг ўринбосарларини сайлаш;

12) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини сайлаш;

13) Ўзбекистон Республикаси Олий судини сайлаш;

14) Ўзбекистон Республикасининг Олий ҳўжалик судини сайлаш;

15) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш ва вазифасидан озод этиш;

16) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бош Вазир, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

17) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ва лавозимлардан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

18) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раисини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталарини ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ва тугатиш ҳақидаги фармонларини тасдиқлаш;

20) Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг муддатини узайтириш ва тўхтатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

21) халқаро шартномаларни ва битимларни ратификация (тасдиқлаш) ва денонсация (барвақт тўхтатиш) қилиш;

22) давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш;

23) туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ва чегараларини ўзгартириш;

24) Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳамда ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш киради.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати

Олий Мажлис депутати ўз сайловчиларининг, шунингдек уни депутатликка номзод этиб кўрсатган тегишли сиёсий партия ёки тегишли ҳокимият вакиллик органининг вакили ҳисобланади.

Депутат ўз бурчларини ижро этишда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ҳамда қонун ҳужжатларига амал қилади.

Олий Мажлис депутатининг ваколат муддати беш йил.

Олий Мажлис депутатининг ваколатлари:

у ваколатини зиммасидан соқит қилган;

қонунга кўра депутатлик ваколатини бажаришига номувофиқ бўлган лавозимга сайланган ёки тайинланган;

унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган;

суд уни муомалага лаёқатсиз деб топган;

чақириб олинган;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган;

вафот этган тақдирда муддатидан илгари тўхтатилади.

Олий Мажлис депутатининг ваколатлари қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам муддатидан илгари тўхтатилиши мумкин.

Олий Мажлис депутатининг ҳуқуқлари, бурчлари ва фаолиятининг кафолатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланади.

Олий Мажлис депутатларига белгиланган тартибда уларнинг депутатлик фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатлар қопланади. Олий Мажлисда доимий ишлайдиган депутатлар ўз ваколатлари даврида ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир лавозимни эгаллашлари ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмас.

Олий Мажлис депутати дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади. У Олий Мажлиснинг, сессиялар оралиғидаги даврда эса — Олий Мажлис Кенгашининг (навбатдаги сессияда буни депутатлар эътиборига етказиш шарти билан) розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибса олиниши ёки суд томонидан бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас.

II боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ИШИНИНГ ТАШКИЛИЙ ШАКЛИ

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессияси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ишининг ташкилий шакли сессия ҳисобланади.

Олий Мажлис сессияси унинг мажлисларида очилади ва ёпилади.

Олий Мажлис сессияси унинг мажлисларидан, шунингдек Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг, бошқа органларининг сессия мажлислари оралиғидаги даврда ўтказиладиган мажлисларидан иборат бўлади.

Олий Мажлис сессиялари бир йилда камида икки марта чақирилади.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислари

Олий Мажлиснинг сайловдан кейинги биринчи мажлиси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловдан сўнг икки ойдан кечиктирмай чақирилади.

Олий Мажлис биринчи сессиясининг биринчи мажлиси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси томонидан очилади ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси сайлангунга қадар олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлиси унинг ишида жами депутатларнинг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирдагина ваколатли ҳисобланади.

Қонунлар ва Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари фақатгина мажлисларда қабул қилинади.

Олий Мажлис ва унинг органлари мажлисида Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Бош Вазир ва Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, республика Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик судининг раислари, Бош прокурори, Марказий банки бошқарувининг раиси иштирок этишлари мумкин.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг навбатдан ташқари сессияси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг навбатдан ташқари сессияси Олий Мажлиснинг Раиси томонидан унинг ташаббуси билан ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ёхуд Олий Мажлис депутатлари камида учдан бир қисмининг таклифи билан чақирилади.

III боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИ (АКТЛАРИ)

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ҳужжатлар қабул қилиниши

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Конституциясини, конституциявий қонунларни, қонунларни, қарорлар ва бошқа ҳужжатларни қабул қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Конституцияни ўзгартирувчи ва тўлдирувчи қонунлар, шунингдек бошқа конституциявий қонунлар Олий Мажлис жами депутатларининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тегишли таклиф киритилгандан кейин олти ой мобайнида Конституцияга ўзгартишлар ҳамда тузатишлар киритиш тўғрисида кенг ва ҳар тарафлама муҳокамани ҳисобга олган ҳолда қонун қабул қилиши мумкин. Агар Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Конституцияга ўзгартиш киритиш тўғрисидаги таклифни рад этса, таклиф камида бир йил ўтгандан кейин қайта киритилиши мумкин.

Қонунлар, қарорлар ва бошқа ҳужжатлар Олий Мажлис жами депутатларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳужжатларини эълон қилиш ҳамда уларнинг кучга кириши

Ўзбекистон Республикаси қонунларини ва Олий Мажлиснинг бошқа норматив ҳужжатларини эълон қилиш уларни қўлланишнинг мажбурий шарти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Олий Мажлиснинг бошқа норматив ҳужжатлари улар имзоланганидан кейин узоғи билан бир ҳафталик муддат ичида эълон қилинади ҳамда агар ҳужжатларнинг ўзида бошқа қоида белгиланмаган бўлса, улар эълон қилинганидан кейин ўн кун ўтгач кучга киради.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳужжатларининг ижросини назорат қилиш

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунларнинг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бошқа ҳужжатларининг ижросини назорат қилади.

IV боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ РАИСИ ВА УНИНГ ЎРИНБОСАРЛАРИ

12-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси

Олий Мажлиснинг Раиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ҳудудий депутатлар гуруҳлари вакиллари йиғилишининг таклифига биноан депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Олий Мажлис ваколати муддатига сайланади.

Олий Мажлиснинг Раиси этиб бир шахсни сурункасига икки муддатдан ортиқ сайлаш мумкин эмас.

Олий Мажлиснинг Раиси депутатларнинг учдан икки қисмидан кўпроғи яширин овоз бериши орқали қабул қилинган Олий Мажлис қарорига биноан муддатидан илгари чақириб олиниши мумкин.

13-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси:

1) Олий Мажлис муҳокамасига қўйиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади;

2) Олий Мажлис сессияларини чақиради, сессиянинг кун тартибига доир таклифларни қўмиталар ва комиссияларнинг раислари билан биргаликда белгиланган тартибга (Олий Мажлис Иш тартибига) мувофиқ тайёрлайди;

3) Олий Мажлис ва унинг Кенгаши мажлисларида раислик қилади;

4) Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

5) қонунларнинг ва Олий Мажлис қарорларининг бажарилишини назорат қилишни ташкил этади;

6) парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ва халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ гуруҳлар фаолиятига раҳбарлик қилади;

7) Олий Мажлис Кенгаши билан келишган ҳолда Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари раислари этиб сайлаш учун Олий Мажлисга номзодларни тақдим этади;

8) қўмиталар ва комиссиялар раисларининг тақдимига мувофиқ Олий Мажлис Кенгаши билан келишган ҳолда қўмиталар ва комиссияларнинг раис ўринбосарлари ҳамда котибларини тайинлайди;

9) қўмиталар ва комиссиялар раисларининг таклифига биноан қўмиталар ва комиссиялар таркибини ўзгартириб, сўнгра бу ўзгартишларни Олий Мажлис тасдиғига киритади;

10) Олий Мажлиснинг матбуот органлари фаолиятига раҳбарликни амалга оширади;

11) Олий Мажлис матбуот органлари низомларини ва таҳрир ҳайъатлари таркибини ҳамда уларнинг ишлаши учун зарур харажатлар сметасини тасдиқлайди;

12) Олий Мажлисга қарашли матбуот органлари муҳаррирларини Олий Мажлис Кенгаши билан келишилган ҳолда тайинлайди ва лавозимларидан озод қилади;

13) Олий Мажлис депутатлари ва девонининг ишлаши учун зарур харажатлар сметасини тасдиқлайди;

14) Олий Мажлис ва унинг Кенгаши қарорларини имзолайди.

Олий Мажлис Раиси ўз ваколатига кирадиган масалаларни Кенгаш муҳокамасига киритишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан фармойишлар чиқаради.

14-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосарлари

Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари Олий Мажлис депутатлари орасидан яширин овоз бериш йўли билан Олий Мажлис ваколати муддатига сайланадилар.

Олий Мажлис Раисининг ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон вакили — Олий Мажлис депутати бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосарлари Раиснинг топшириғига биноан унинг айрим вазифаларини бажарадилар ва у йўқлигида ёки унинг ўз вазифаларини амалга ошириши мумкин бўлмаган ҳолларда Раиснинг вазифасини бажариб турадилар.

V боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ КЕНГАШИ, УНИНГ ТАРКИБИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ

15-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши.

Олий Мажлис ишини ташкил этиш ҳамда ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш учун биринчи сессияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши тузилади.

16-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг таркиби.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг таркибига Олий Мажлис Раиси, Раиснинг ўринбосарлари, қўмиталарнинг, Мандат комиссиясининг раислари ва Олий Мажлис расмий фракцияларининг вакиллари киради.

17-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ваколатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши:

1) Олий Мажлис сессияси кун тартибига ва иш тартибига доир таклифларни тайёрлайди;

2) Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги маълумотларини ҳамда қонунлар ва Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари ижроси тўғрисидаги ахборотларни эшитади;

3) қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини режалаштиришни уюштиради;

4) Олий Мажлис Раисининг таклифига биноан қонун лойиҳаларини ва бошқа ҳужжатларни дастлабки тарзда кўриб чиқади;

5) Олий Мажлис сессиясида депутатлар билдирган таклиф ва мулоҳазаларни таҳлил этади ҳамда улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилади;

6) сессиялар оралиғидаги даврда қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда Олий Мажлис депутатларини жавобгарликка тортишга, шунингдек иш жойидаги маъмурият ташаббусига кўра депутатларни ишдан бўшатишга розилик бериш тўғрисидаги масалаларни қараб чиқади;

7) Олий Мажлис иши ва депутатлар ўз ваколатларини самарали амалга оширишлари билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни кўриб чиқади.

Олий Мажлис Кенгаши ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади, улар белгиланган тартибда эълон қилинади.

VI боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚЎМИТАЛАРИ ВА КОМИССИЯЛАРИ

18-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қўмиталари ва комиссияларини сайлаш.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессияда депутатлар орасидан ўз ваколати муддатига ҳудудий депутатлар гуруҳлари вакиллари йиғилишининг таклифига биноан қўмиталар ва комиссиялар сайлайди ва уларнинг раисларини тасдиқлайди. Қўмиталар ва комиссиялар қонун лойиҳалари тайёрлаш ишларини олиб бориш, Олий Мажлис муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, қонунларнинг ва Олий Мажлис бошқа қарорларининг ижросини назорат қилиб туриш учун тузилади. Қўмиталар ва комиссияларнинг рўйхати ва миқдор таркиби Олий Мажлис томонидан белгиланади.

Олий Мажлис депутати, қоида тариқасида, Олий Мажлиснинг фақат битта қўмитаси ёки комиссиясининг аъзоси этиб сайланиши мумкин.

Қўмита ёки комиссия таркибига Олий Мажлис Раиси ва унинг ўринбосарлари сайланишлари мумкин эмас.

Қўмита, комиссия таркибига сайланмаган депутат улар ишида маслаҳат овози билан иштирок этишга ҳақлидир.

Қўмиталар ва комиссияларнинг барча аъзолари тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Зарурат бўлган ҳолларда Олий Мажлис янги қўмиталар ва комиссиялар тузиши ва сайлаши, илгари тузилган қўмиталар ва комиссияларни тугатиши ва қайта ташкил этиши мумкин.

Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари Олий Мажлис олдида масъул ва унга ҳисобдордирлар.

19-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссияларининг таркиби.

Қўмиталар ва комиссиялар Олий Мажлис томонидан раис ва бошқа аъзолардан иборат таркибда сайланади. Қўмита, комиссиянинг раис ўринбосари ва котиби қўмита, комиссия раисининг тақдимига мувофиқ тегишли қўмита, комиссия аъзолари орасидан Олий Мажлис Раиси томонидан Олий Мажлис Кенгаши билан келишилган ҳолда тайинланади.

Қўмита, комиссияларнинг (муваққатлардан ташқари) раислари, раис ўринбосарлари ва котиблари ўз фаолиятларини, қоида тариқасида, доимий асосда амалга оширадилар.

20-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг муваққат комиссиялари.

Олий Мажлис ва унинг Кенгаши аниқ топшириқларни бажариш учун депутатлар орасидан муваққат комиссиялар тузиши мумкин. Муваққат комиссиялар ўз зиммаларига юкланган вазифаларни бажариб бўлганларидан кейин ёхуд Олий Мажлис ёки унинг Кенгаши қарорига биноан ўз фаолиятларини муддатидан илгари тўхтатадилар.

21-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссияларининг ишини ташкил этиш.

Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари ишни ўз режаларига, Олий Мажлис, унинг Раиси ва Олий Мажлис Кенгаши топшириқларига ҳамда тавсияларига мувофиқ ташкил этадилар.

22-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссияларининг мажлислари.

Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг мажлислари заруратга қараб чақирилади ва Олий Мажлис мажлислари ўртасида ҳам, шунингдек, сессиялар оралиғидаги даврда ҳам ўтказилади.

Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг мажлислари, башарти уларда қўмита ёки комиссия таркибининг камида ярми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Олий Мажлис қўмиталари, комиссияларининг мажлислари, қоида тариқасида очиқ ўтказилади. Мажлисларга давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимлар маслаҳат овози ҳуқуқи билан, шунингдек, қўмиталар ва комиссияларнинг фаолиятидан жамоатчиликни кенг хабардор қилиш учун матбуот органлари, телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг вакиллари таклиф этилиши мумкин.

Зарурат бўлганда қўмита ёки комиссия епиқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

23-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссияларининг ваколатлари.

Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари:

1) Олий Мажлис, унинг Раиси, Олий Мажлис Кенгаши топшириғига биноан ёки ўз ташаббуслари билан тасарруфларидаги масалалар бўйича қонунларнинг ва Олий Мажлис бошқа қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқадилар;

2) қонун ҳужжатларини такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни тайёрлайдилар, Олий Мажлис сессияси кун тартибига доир таклифлар киритадилар;

3) қўмита, комиссия ишида иштирок этиш учун давлат органлари, жамоат бирлашмалари вакилларини, мутахассислар ва олимларни таклиф этадилар;

4) қўмитанинг ёки комиссиянинг ўзи томонидан ишлаб чиқилган қонун лойиҳаларини ҳам, қонун чиқариш ташаббуси тартибида тушган қонун лойиҳаларини ҳам илмий экспертизага юборадилар, улар юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг хулосасини, тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, жамоат бирлашмалари, шунингдек, олимлар ва мутахассисларнинг фикрини сўрайдилар;

5) ўрганиб чиқиш учун ўзларига берилган қонун лойиҳаларини дастлабки тарзда кўриб чиқиш натижалари юзасидан Олий Мажлисга ёки унинг Кенгашига хулосалар, таклифлар ва мулоҳазалар тақдим этадилар;

6) Олий Мажлис мажлисларида ўз тасарруфларидаги масалалар бўйича маърузалар ва қўшимча маърузалар билан сўзга чиқадилар;

7) Олий Мажлиснинг Раиси ёки Олий Мажлиснинг Кенгаши йўллаган республика бюджети лойиҳаларини, унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни, шунингдек давлат стратегик дастурлари лойиҳаларини қараб чиқадилар;

8) ўз тасарруфларидаги масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига таклифлар киритадилар;

9) ўз тасарруфларидаги масалалар бўйича давлат органлари ва жамоат бирлашмаларидан, мансабдор шахслардан ҳужжатларни, ёзма хулосаларни, ҳисобот маълумотларини ва бошқа материалларни талаб қиладилар;

10) қонунларнинг ва республика Олий Мажлиси бошқа қарорларининг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширадилар;

11) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар раҳбарларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларининг қонунлар, Олий Мажлиснинг бошқа ҳужжатлари, қўмиталар, комиссиялар тавсиялари бажарилиши юзасидан ахборотларини эшитадилар.

24-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссияларининг қарорлари.

Қараб чиқилаётган масалалар юзасидан қўмита ёки комиссия тавсия йўсинида қарор қабул қилади ёхуд хулоса беради. Бир нечта қўмита ва комиссия томонидан қараб чиқиладиган масалалар юзасидан қўшма қарор ёки хулоса қабул қилинади.

Қўмита ва комиссияларда барча масалалар қўмита ёки комиссия аъзолари умумий таркибининг оддий кўпчилик овози билан ҳал этилади.

Қўмиталар ва комиссияларнинг давлат органларига, жамоат бирлашмаларига йўлланадиган қарорлари улар томонидан кўриб чиқилиши шарт, натижалар ёки кўрилган чоралар ҳақида, башарти қарорда ўзгача қоида белгиланмаган бўлса, узоғи билан бир ой муддат ичида хабар берилиши лозим.

VII боб. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

25-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Котибияти.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолият кўрсатишини таъминлаш учун Олий Мажлис Котибияти тузилади.

Котибиятнинг тузилиши, штатлари ва ишлаш тартиби Олий Мажлис Раиси томонидан тасдиқланади.

Котибият ходимларининг меҳнат муносабатлари Олий Мажлис ваколати муддатига боғлиқ эмас.

26-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг харажатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг харажатлари республика бюджетини тасдиқлаш чоғида назарда тутилади.

27-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иш тартиби.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг органлари фаолияти тартиботи Олий Мажлиснинг иш тартиби билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 22 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

"Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ҳамда қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида"ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 4, 88-модда; № 8, 191-модда; 1992 йил, № 1, 50-модда; № 4, 168-модда; № 9, 337-модда; 1993 йил, № 1, 20-модда; 1994 йил, № 1, 14-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

1. 3-модданинг 1-банди қуйидаги мазмундаги "х" бандча билан тўлдирилсин:

"х) жисмоний шахс — патент эгасининг (лицензиарнинг) саноат мулки объектларидан ўз ишлаб чиқаришида фойдаланишдан ёки улар учун лицензиялар сотишдан, шунингдек, лицензиянинг саноат мулки объектларидан фойдаланишдан олган даромад суммаси, шу жумладан, валюта тушуми фойдалана бошланган санадан эътиборан:

патент бўйича ихтиродан фойдаланилса — 5 йил давомида;

дастлабки патент бўйича ихтиродан фойдаланилса — 3 йил давомида;

патент бўйича саноат намунасидан фойдаланилса — 3 йил давомида;

дастлабки патент бўйича саноат намунасидан фойдаланилса — 2 йил давомида;

гувоҳнома бўйича фойдали моделдан фойдаланилса — 2 йил давомида".

2. 4-модда 1-бандининг "б" бандчасидаги "ихтиролар, кашфиётлар ва уларнинг илк саноат нусхаларини" деган сўзлар "интеллектуал мулк объектларини" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 7-модданинг "в" бандчасидаги "шунингдек, кашфиёт, ихтиро ҳамда саноат намуналарини" деган сўзлар чиқариб ташлансин ва "учун муаллифлик ҳақи суммаларидан;" деган сўзлардан олдин "шунингдек интеллектуал мулк объектларидан фойдаланганлик" деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4. 8-модданинг 1-бандида келтирилган жадвал қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Солиқ солинадиган йиллик даромад миқдори (солиқ солинмайдиган минимум чегирилган ҳолда)"	Солиқ суммаси
энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 24 баробаригача	даромад суммасининг 15 фоизи
энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 24 баробаридан (+1 сўм) 60 баробаригача	энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 24 баробаридан олинадиган солиқ + 24 баробаридан ортиқ сумманинг 25 фоизи
энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 60 баробаридан (+1 сўм) 120 баробаригача	энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 60 баробаридан олинадиган солиқ + 60 баробаридан ортиқ сумманинг 35 фоизи
энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 120 баробари (+1 сўм) ва ундан ортиқ	энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 120 баробаридан олинадиган солиқ + 120 баробаридан ортиқ сумманинг 45 фоизи".

5. 9-модданинг иккинчи қисми "ижара ҳақи" деган сўзлардан кейин "интеллектуал мулк объектларига бериладиган ҳуқуқларга эга бўлганлик учун патент божи, ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказганлик йиғимлари ва ҳуқуқлар учун лицензия тўловлари" деган сўзлар билан тўлдирилсин.

6. 13-модда 2-бандининг бешинчи хатбошидаги "кашфиётлар, ихтиролар ва саноат намуналарининг" деган сўзлар "интеллектуал мулк объектларининг" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. Қонун қуйидаги мазмундаги 15^1-модда билан тўлдирилсин:

"15^1-модда. Даромад солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартибига тузатиш киритиш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси даромад солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартибига тузатиш киритиш ҳуқуқига эгадир".

8. 17-модданинг учинчи қисми "ижара ҳақи" деган сўзлардан кейин "интеллектуал мулк объектларига бериладиган ҳуқуқларга эга бўлганлик учун патент божи, ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказганлик йиғимлари ва ҳуқуқлар учун лицензия тўловлари" деган сўзлар билан тўлдирилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 23 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

"Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ҳамда қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини амалга киритиш хусусида

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

"Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ҳамда қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 1995 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 23 сентябрь.

САНОАТИМИЗНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

«СИГНАЛ»НИНГ ОВОЗАСИ

Марказий дўконга кирсам бир бежирим матоҳ турибди. Эътибор билан қарадим. Чиройли ишланган. Шу бежирим матоҳлар ўзимизда тайёрланса қанийди, дея кўнглимдан ўтгандек бўлди шу дам. Ҳақиқатан ҳам бу матох ўзимизнинг Тошкентда, «Сигнал» деб номланмиш илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланаётган халқ истеъмоли молларидан бири — электр иситгич ускуналари эди.

Сўнг ушбу илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида албатта бўлишликни олдимга режа қилиб қўйдим...

Бирлашмага Ўзбекистонда хизмат кўрсатган муҳандис, техника фанлари номзоди Рустам Баширов раҳбарлик қилар экан. Бу ерда фақат электр иситгичларгина эмас, яна беш турдаги буюмлар тайёрланаётганлиги янгилик бўлди. Масалан, терилган пахтанинг сифати, намлиги, навини текширадиган ускуналар, об-ҳаво текширгич марказлари учун метеорологик мосламалар, электр рельелар, телевизорлар учун 61 каналдан бемалол кўрсатув олиб бера оладиган антенналар ишлаб чиқарилмоқда, маҳсулотларга асло гап йўқ. Хуллас, бу даргоҳдаги иш жараёни билан танишар эканман, бирлашманинг 800 кишилик жамоаси самарали ишлаётганлигининг гувоҳи бўлдим. Қани энди мамлакатимиздаги барча саноат корхоналари йўқни йўндириб, улаб, бутлаб бўлса-да, шу бирлашма сингари давлат қарзидан қутулиб, соф фойда олиш йўлидан борсалар эди...

«Сигнал» республика истиқлолигача «ўрмалаб» юрувчи ташкилотлар сафига кирарди. Ҳаммадан 1981—1991 йилларгача илмий ходимлар, ишчилар ишсиз қолиб, маош олинмай қолган кезлари кўп бўлган экан. Демак, «Сигнал» истиқлол туфайлигина том маънода ўз мавқеини тиклаб олди. Ҳукумат ундан зарур маблағни аямади.

— Ихтироларни ишлаб чиқаришга жорий этиш керак, деган талабни ўртага қўйдик. Натижада оёққа туриб олдик. Бугунги кунга келиб ишчи ва илмий ходимларимизнинг маошлари ўртача 680 сўмни ташкил этмоқда,— дейди бирлашма раҳбари Рустам Абдураҳмонович.

Бирлашмада ихтирочилик яхши наф бермоқда. Биргина мисол: шу йилнинг саккиз ойида ишлаб чиқарилган маҳсулот 10 фоизга ошди. Ноёб антенналадан 3 минг, электр иситгичлардан 180 минг дона тайёрланиб, савдога жўнатилди.

Хорижда бу электр ускуналар камида 20 доллар туриши бош директор билан суҳбат жараёнида аниқ бўлди. Демак, бирлашмада ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилишга тегишли ташкилотлар кўмак беришса ёмон бўлмасди. Қолаверса, бирлашма мутахассислари маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё — нехром симларини фақат Россиядан келишига кўз тикиб ўтиришмасди.

Кексаларда бир нақл бор: ишни ўзини билгунча, ишнинг кўзини бил, деган. «Сигнал» ишлаб чиқараётган ҳар бир электр иситгич ускунаси учун 60—65 сўм харажат, меҳнат сарфланмоқда. Буни долларга айлантирсак, 3 долларгаи сал ошади. Ўйлаб қаранг, агар хориж биздан ўша Рустам Абдураҳмонович айтган нархда олса борми, бирлашма қанчаданқанча фойда кўриши мумкин? Бугун биз ана шундай иқтисодиётимизнинг фойда берадиган қирраларини топишимиз керак.

Биргина «Сигнал» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси мисолида айтишимиз мумкинки, илм-фан тилсимотларини чуқур эгалламай туриб, иқтисодиётда бирон-бир натижага эриша олмаймиз. Назаримда, «Сигнал» ана шу йўлдан бормоқда. Яқин келажакда «Сигнал»нинг овозаси жаҳонга таралади.

Маъмуржон ҚИЕМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Пахта йиғим-терими «Ўзбекистон овози» назоратида*

ҚАЧОН ҒАЙРАТ КЎРСАТАСИЗ?

Октябрь ойи ҳам кириб келди. Республикамиз пахтакорлари учун энг масъулиятли, энг долзарб дамлар бошланди.

Эндиги вазифа — битта. У ҳам бўлса бутун кучни йиғим-теримга сафарбар этиб, бор ҳосилни қисқа муддатларда саранжомлаб олиш. Хўш, бу муҳим иш қандай кетяпти? Кимлар йил бўйи қилинган меҳнат самараси юқори бўлиши учун астойдил курашяпти-ю, кимлар ҳамон ўзибўларчилик кайфиятида юрибди. Республика Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси Бош ҳисоблаш марказидан олинган маълумотлардан бунга жавоб олиш мумкин.

Ўтган йилгидек, бу йил ҳам бухоролик заршунослар йиғим-теримда уюшқоқлик кўрсатишаётир. Улар 3 октябрга қадар йиллик режанинг 76,32 фоизи миқдорида пахта тайёрлашга муваффақ бўлишди. Улкан хирмон учун курашда Олот, Ғиждувон ва Қоракўл туманлари миришкорлари карвонбошилик қилишмоқда. Улар шу ойнинг ўрталарига қадар режани уддалаш мақсадида теримни сусайтиришмаяпти. Илғорлардан ҳар қанча ўрнак олса арзийди.

Хоразм, Навоий, Қашқадарё, Самарқанд, Андижон, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари пахтакорлари ҳам қуёшли кунларнинг ҳар бир дақиқасини ғанимат билиб, марра сари дадил одимламоқдалар. Бу борада қашқадарёликлар, айниқса, ибрат кўрсатишаётир. Вилоятда кунига йиллик режанинг 3 фоизидан ортиқ пахта тайёрланаётганлиги фикримизга далил бўлади.

Қашқадарёнинг илдам одимида режаларини ўринлатиб, бор ҳосилни тез орада териб олишга ҳаракат қилаётган Китоб ва Қамаши туманлари, шунингдек, суръатга-суръат қўшиб, режани барвақт бажаришга ҳаракат қилаётган Чироқчи, Шаҳрисабз туманлари миришкорларининг муносиб ҳиссаси бор. Бундай илғор туманлар ҳамма вилоятларда топилади. Улар қаторига Андижондан Асака, Олтинкўл, Навоийдан Қизилтепа, Наманганда Чортоқ, Самарканддан Иштихон, Нарпай, Сурхондарёдан Денов, Шўрчи, Фарғонадан Олтиариқ, Бағдод, Бувайда, Хоразмдан Хонқа, Янгиариқ, Гурлан туманларини киритиш мумкин.

Аммо ҳамма ерда пахта қийғос очилган бўлса-да турли баҳоналар билан сусткашликка йўл қўяётганлар ҳам йўқ эмас. Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Сирдарё вилоятларида шундай вазиятни кузатиш мумкин. Тўғри, бу вилоятларда ҳам кунлик суръат 2,5—3 фоиз атрофида бўлмоқда. Аммо ҳали далада ҳосилнинг қарийб учдан икки қисми турганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ҳали камлик қилади.

Қатор туманларда ҳануз ялпи сафарбарлик таъминланмаган. Далада ишлаётганлар учун шароит етарли эмас. «Зангори кема»лар учун ёнилғи, эҳтиёт қисмлар етишмайди. Шунинг учун ҳам унумдорлик паст. Бунга Шароф Рашидов туманидаги аҳвол яққол мисол бўла олади.

Бу ерда 1 октябрга қадар йиллик режанинг атиги 12.66 фоизи миқдорида пахта тайёрланган. Машина терими режаси эса 7,75 фоиз. Тумандаги Шароф Рашидов номли ширкатлар уюшмасидаги аҳвол тумандаги манзарани яқол ифодалаши мумкин. Хўжаликнинг юки оғир. Бу йил 10540 тонна пахта тайёрланиши керак. Бош агроном Ҳасан Раҳмоновнинг айтишича, далада шунча ҳосил бор.

Бироқ октябрь ойи бошланган, ҳосил тўла етилган бўлсада иш юришмаяпти. Ялпи сафарбарлик таъминланмаган. Бу ерда ҳисобда 98 та терим агрегати бор. Шунинг 67 таси ишга созланган. Лекин улар тўла ишлатилмаяпти. Айримлари дала юзини кўрмасдан, айримлари эса 1—2 соат ишламасдан сафдан чиқаётир.

Исмат Абдураҳмонов бошлиқ 1-ширкат далаларида бунинг гувоҳи бўлдик. Шийпонга борсак, механизатор Ўктам Холмуродов агрегатини тузатаётган экан. Бир бункер пахта термасдан машинаси бузилиб-кутишга мажбур бўлишаётир. Шу сабабли унумдорлик паст бўляпти. Буларнинг ҳаммаси даладаги ҳосил ўз вақтида терилмаётганига сабаб бўляпти. Аҳвол шу тарзда давом этадиган бўлса, ўтган йилгидек, режани бажаролмай доғда қолиш мумкинлигини хўжалик раҳбарлари наҳотки тушунишмаётган бўлса! Бу ерда 1 октябрга келиб, йиллик режа атиги 8 фоиз уддаланганлиги уларда ташвиш уйғотмасмикин?

Вилоятдаги Оқолтин, Сирдарё, Гулистон, Мирзаобод туманларида ҳам йиғим-терим суръати сust. Ялпи сафарбарлик, тадбиркорлик, ташаббускорлик, топширилган иш учун масъулият етишмаяпти. Шунингдек, Тошкент вилоятининг Бекобод, Пискент, Оққўрғон, Сурхондарё вилоятининг Музрабод, Наманган вилоятининг Косонсой, Норин, Задарё, Жиззах вилоятининг Мирзачўл, Арнасой, Зарбдор, Зомин, Қорақалпоғистон республикасининг Бўзатов, Шуманай, Хўжайли, Қўнғирот, Кегайли туманларида ҳам пахта йиғим-теримида сусткашликка йўл қўйиляпти.

Мавсум эса шоширяпти. Кузнинг ҳар бир дами ғанимат. Ундан ҳозир унумли фойдаланмасак эртага кеч бўлади. Хирмонларимизнинг юксаклиги, дастурхонимизнинг тўкинлиги, мустақил республикамизнинг равнақи ҳозирги ғайрат-шижоатимизга боғлиқлигини унутмайлик. Бутун куч пахта теримига!

Каримжон РИХСИЕВ.

ШАҲАР ИЧИДАГИ ПАХТАЗОР

Мамлакатимиз пойтахтининг шимолий-шарқ томонида, Ҳалқа йўлга туташ жойда мўъжазгина пахтазор бор. Кенглиги 6 гектар. Шу атрофда яшовчилар унинг қай мақсадда экилганини яхши билишади. Бироқ ўтган-кетган: «Ёпирай, шаҳар ичигаям пахта экишибди-я, шунча ер етмабди-ми?» дея ажабланиши табиий.

Ажабланишга шошилманг. Бу экинзор республика Қишлоқ хўжалиги вазирлигига қарашли Пахта уруғчилиги станциясига тегишли бўлиб, унда мамлакатимиз далаларида экилган барча пахта навлари жамлангандир. Станциянинг тажрибали мутахассислари навларнинг тозалигини, техник кўрсаткичларининг софлигини шу ердан туриб назорат қиладилар.

— Айни пайтда республика бўйича 60 та элита уруғчилик, 57 пахта тозалаш заводида уруғчилик лабораторияси мавжуд,— дейди станция раҳбари, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Эшпўлат Норқулов.— Уларда бир неча ўн навдаги уруғлик пахталар етиштириляпти. Биз шу ердаги ғўза тупларини кузатиб, текшириб жойлардаги ҳар бир навнинг қандай «яшаётганини» билиб турамиз.

Сир эмас, сўнгги йилларда пахта уруғчилиги соҳасида назорат бироз сусайди. Оқибатда пахта навларининг сони кўпайди. Табиийки, улар орасида толасининг сифати паст, тўқимачилик саноати унча «хушламайдиган» навлар ҳам учрайди. Ҳар бир вилоятда 7—8 тагача нав экилмоқда. Ҳолбуки, бу кўрсаткич 2—3 тадан ортмаслиги шарт. Аслида бир вилоятда битта нав экилса, айни муддао бўларди. Кўп навлиликнинг салбий томони шундаки, бунда навларнинг аралашиб кетиши, тўғрироғи, айнишидан тола сифатининг пасайиш хавфи кучаяди.

Пахта уруғчилиги станциясининг тажрибали мутахассислари тез-тез уруғчилик хўжаликларида бўлишиб, деҳқонларга қимматли маслаҳатлар беришмоқда, амалий ёрдам кўрсатишмоқда. Жойлардаги хўжаликларнинг мутахассислари ҳам станциядаги ишлар жонланганидан мамнун. Дарвоқе, пахтачилик республикамизнинг асосий тармоғи экан, пахта уруғчилиги масаласи ҳам долзарб бўлиб қолаверади, эътибор сусаймайди.

Норбобо ШАКАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

●

СУРАТДА: Пахта уруғчилиги станциясининг етакчи агрономи Мавлуда Утанбоева (чапда), бўлим мудири Кифоят Урмонова, станция раҳбари Эшпўлат Норқулов ва бўлим бошлиғи Дилшод Мирраҳимовлар уруғлик чигитни кўздан кечиришмоқда.

Абдувоҳид ТУРАЕВ олган сурат.

КЎЧМАС МУЛК—БУ ЎЛМАС САРМОЯДИР!

• ҚЎҚОН

ЎЛМАС МУЛК СОҲИБИ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ, ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОШҚАРМАСИНИНГ ҚЎҚОН БЎЛИМИ ВА РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ ҚЎҚОН ШАҲРИДА 1994 ЙИЛ 15 ОКТЯБРДА ЎТКАЗАДИГАН КЎЧМАС МУЛКЛАР БЎЙИЧА КИМ ОШДИ САВДОСИДА ҚАТНАШИШГА ШОШИЛИНГ!

ОЧИҚ САВДОГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚУЙИЛАДИ:

«ҚЎҚОН» МЕҲМОНХОНАСИ
Шаҳарнинг Имом Бухорий кўчасида жойлашган, 134 ўринга мўлжалланган.
Дастлабки баҳоси — 500 минг сўм.

«ГУЛДАСТА» ЧОЙХОНАСИ
Қўқон шаҳрининг Туркистон кўчасида жойлашган.
Дастлабки баҳоси — 200 минг сўм.

«НАРГИЗА» КИЧИК КОРХОНА ХОНАСИ
Қўқон шаҳар Истиқлол кўчасида жойлашган.
Дастлабки баҳоси — 12 минг сўм.

ЕР ОСТИ ЎТИШ ЖОЙИ
Қўқон шаҳар Чорсу майдонида жойлашган.
Дастлабки баҳоси — 25 минг сўм.

3-САРТАРОШХОНА
Қўқон шаҳар А. Исломов кўчасида жойлашган.
Дастлабки баҳоси — 10 минг сўм.

3 ХОНАЛИ МАЪМУРИЙ БИНО
Қўқон шаҳридаги «Озодлик» хиёбонида жойлашган.
Дастлабки баҳоси — 25 минг сўм.

2 ХОНАЛИ МАЪМУРИЙ БИНО
Қўқон шаҳридаги «Озодлик» хиёбонида жойлашган.
Дастлабки баҳоси — 20 минг сўм.

«КОСМОНАВТЛАР МАЙДОНИ» БЕКАТИ
Қўқон шаҳар Шоҳрухобод кўчасида жойлашган.
Дастлабки баҳоси — 10 минг сўм.

«МАРКАЗИЙ ДЕҲҚОН БОЗОРИ» БЕКАТИ
Қўқон шаҳар Фурқат кўчасида жойлашган.
Дастлабки баҳоси — 20 минг сўм.

«ГЎШТ КОМБИНАТИ» БЕКАТИ
Қўқон шаҳар Уста бозор кўчасида жойлашган.
Дастлабки баҳоси — 20 минг сўм.

«10-АВТОБАЗА» БЕКАТИ
Қўқон шаҳар Туркистон кўчасида жойлашган.
Дастлабки баҳоси — 8 минг сўм.



«ГЎЗАЛ» ЧОЙХОНАСИ
Бувайда туманидаги Янгиқўрғон қишлоғида жойлашган.
Дастлабки баҳоси — 103 минг сўм.

ЧОЙХОНА
Ўзбекистон туманидаги Конизар қишлоғида жойлашган.
Дастлабки баҳоси — 26 минг сўм.

ОШХОНА ПАВИЛЬОНИ
Ўзбекистон туманидаги Қулибек қишлоғида жойлашган.
Дастлабки баҳоси — 14 минг сўм.

«РОҲАТ» РЕСТОРАНИ
Бувайда туманидаги Янгиқўрғон қишлоғида жойлашган.
Дастлабки баҳоси — 198 минг сўм.

ТЕЛЕФОНЛАР: (37355) 24793, 22241, (3712) 681755.

• АСАКА

АНДИЖОН ВИЛОЯТ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОШҚАРМАСИ ВА РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ АНДИЖОН ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ

1994 ЙИЛ 11 ОКТЯБРДА АСАКА ШАҲРИДА КЎЧМАС МУЛКЛАР БЎЙИЧА НАВБАТДАГИ КИМ ОШДИ САВДОСИНИ ЎТКАЗАДИ!

ОЧИҚ САВДОГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚУЙИЛМОҚДА!

МЕҲМОНХОНА
Бўз туманидаги «Ўрмон» дам олиш масканида, Тошкент — Ўш автомобиль йўли ёнида жойлашган. 2 қаватли 9 хонадан иборат. 1979 йилда ишга туширилган. Умумий ер майдони — 311,08 кв.м., меҳмонхона майдони — 199,5 кв. м.
Дастлабки баҳоси — 50 минг сўм.

ҲАММОМ
Олтинкўл туманидаги Чинобод кўчасида жойлашган. 1 қаватли, 1992 йилда пишиқ ғиштдан қурилган, газлаштирилган. Умумий ер майдони — 4000 кв. м.
Дастлабки баҳоси — 69,8 минг сўм.

БИР ХОНАЛИ ХОНАДОН
Андижон шаҳрининг «Бўстон» даҳасидаги уйнинг 1-қаватида жойлашган. Умумий майдони — 41,2 кв. м., Яшаш майдони — 16,7 кв. м. Балкони, гази ва суви бор.
Дастлабки баҳоси — 20 минг сўм.

УЧ ХОНАЛИ УЙ
Андижон шаҳрининг «Бўстон» даҳасида жойлашган. Ер участкасининг майдони — 80,4 кв. м. Умумий майдони — 60,24 кв. м., яшаш майдони — 42,24 кв. м. 1993 йилда қурилган, газ ва суви бор. Нақд пулга сотилади.
Дастлабки баҳоси — 30 минг сўм.

ЧОЙХОНА
Комсомолобод туманидаги «Оқ олтин» ширкатлар уюшмасида жойлашган. 50 ўринга мўлжалланган. 1 қаватли, 1986 йилда пишиқ ғиштдан қурилган. Сув ва газ билан таъминланган. Ер участкасининг майдони — 0,75 га.
Дастлабки баҳоси — 10 минг сўм.

ҲАММОМ (ЧОЙХОНАСИ БИЛАН)
Қўрғонтепа туманидаги «Султонобод» жамоа хўжалигида жойлашган. Бир қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган, томи шиферли. Ер участкасининг умумий ер майдони — 432 кв. м., қўшимча ер майдони — 801 кв. м. 1961 йилда фойдаланишга топширилган.
Дастлабки баҳоси — 30 минг сўм.

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ИККИ ҚАВАТЛИ БИНО
Андижон шаҳрининг К. Яшин кўчасида жойлашган. 1993 йилда қурилган. Бино коробкаси тўла тугатилган, ғиштдан, ер майдони — 0,21 га.
Дастлабки баҳоси — 200 минг сўм.

«АНДИЖОН» МЕҲМОНХОНАСИ
Андижонда, янги шаҳар марказида жойлашган. 260 ўринга мўлжалланган, 2 қаватли, 1929 йилда пишиқ ғиштдан қурилган. Атрофида савдо дўконлари ва расталар, маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари бор.
Дастлабки баҳоси — 200 минг сўм.

ОШХОНА
Хўжаобод туманидаги Гагарин номли қишлоқда жойлашган. Бир қаватли, 1984 йилда ёғоч материалларидан фойдаланган ҳолда қурилган. Томи шифердан, сув ва гази бор. Ер майдони — 88 кв. м. 1984 йилда ишга туширилган.
Дастлабки баҳоси — 20 минг сўм.

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ДУКОНЛАР РАСТАСИ
Асака шаҳрининг Фарғона кўчасида жойлашган. Умумий ер майдони — 288 кв. м. Қурилиш майдони — 120 кв. м. Темир бетонли блоклардан 60 см. баландликда пойдевор ётқизилган.
Дастлабки баҳоси — 35 минг сўм.

ИККИ ҚАВАТЛИ ТУРАР-ЖОЙ БИНОСИ
Андижон шаҳрининг Боғишамол даҳасидаги А. Бакиров 8-тор кўчасида жойлашган шахсий 7-уй. Умумий майдони — 600 кв. м. Яшаш майдони — 198,8 кв. м. 1-қавати 7 хонали, 2-қавати 9 хонали, икки айвонли. Молхона, нонвойхона ҳам бор. Газ, сув ва электр энергияси билан таъминланган.
Дастлабки баҳоси — 600 минг сўм.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМПЛЕКСИ
Комсомолобод туманининг марказида, Наманган — Марғилон автомобиль йўли ёнида жойлашган. Умумий ер майдони — 6,2 га. Иссиқхона майдони — 30 сотих. Тикув цехи, омборхонаси, қурилиши тугалланмаган иншооти, 40 ўринга мўлжалланган ёзги ошхонаси бор.
Дастлабки баҳоси — 1 млн. 400 минг сўм.

Телефонлар:
АНДИЖОН: (37422) 5-25-67, 5-16-43.
АСАКА: (37436) 2-11-83.
ТОШКЕНТ: (3712) 68-17-55.

„Оқ олтин" хирмонига

1994 ЙИЛГИ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА 5 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	бир кунда	мавсум бошидан	шу жумладан машинада терилгани	
			бир кунда	мавсум бошидан
Бухоро	1.73	79.80	0.06	3.49
Хоразм	2.45	71.48	0.37	4.09
Навоий	2.15	70.25	0.81	16.54
Қашқадарё	2.99	68.52	2.57	45.27
Самарқанд	2.21	65.04	0.83	20.49
Андижон	2.77	64.78	1.17	13.06
Фарғона	2.42	63.52	0.74	10.67
Сурхондарё	1.42	62.32	0.54	24.22
Наманган	3.25	52.84	2.08	19.88
Тошкент	3.46	43.85	2.97	28.39
Жиззах	2.74	40.03	2.56	28.41
Қорақалпоғистон Республикаси	2.54	39.50	1.17	9.09
Сирдарё	2.96	29.45	2.84	19.25
Республика бўйича	2.54	57.69	1.63	20.61

ЗАФАР МУБОРАК

Мухбиримиз Музаффар Шароповнинг ёзишига қараганда Қизилтепа тумани пахтакорлари Навоий вилоятида карвонбошилик қилишмоқда.

Кунлик режанинг 3—3,5 фоизи миқдорида пахта терилмоқда. «Ўртачўл юлдузи» жамоа хўжалигининг Қ. Фармонов бригадаси чўлқуварлари йиллик пахта тайёрлаш режасини бажаришди. Эл хирмонига 120 тоннадан зиёд дурдона тўкилди. Улар ялпи хирмонни 170 тоннага, ҳосилдорликни 32 центнерга етказишмоқчи.

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ МАҲСУЛИ

ҚАШҚАДАРЁ. Баҳористон туманидаги «Олтинбошоқ» жамоа ширкат хўжалиги пахтакорлари туманда биринчи бўлиб меҳнат ғалабасини қўлга киритишди. 520 гектар пахта майдонидан 1060 тонна юқори сифатли ҳосил йиғиштириб олинди. Ҳосилнинг 700 тоннаси «пўлат этаклар»дан бўшатилди.

Эришилган меҳнат муваффақиятига ҳосилдорликни ҳар гектар ҳисобига 30 центнерга етказган Ёмғирбой Рўзиев, Саъдулла Наврўзов, Муродилла Рўзиев ва Раҳмонқул Аннаев сингари тажрибали пахтакорлар етакчилик қилаётган илғор жамоалар салмоқли ҳисса қўшдилар.

Миришкор пахтакорлар йиғим-терим мавсуми охиригача ҳосилдорликни гектар бошига 32 центнерга етказиб, режага қўшимча 660 тонна юқори сифатли «оқ олтин» йиғиштириб олишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар.

Илҳом КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Ташвишли хабар*

ОЛМАНИ КИМ ТЕРАДИ?

Бу йил Дўстлик туманидаги «Ўзбекистон 50 йиллиги» ижара ширкатлар бирлашмаси боғларида узум ва мева мўл бўлди.

Куни кеча хўжаликнинг Мансур Хўжақулов етакчилигидаги 10-звено соҳибкорлари мавжуд 125 гектар боғдан 700 тонна олма топшириб, режаларини бажаришди. Энди бундан кейин зиммасидаги режасини адо этадиган звено биринчиси ва охиргиси бўлса керак дейишмоқда, боғбонлар. Нега деганда яқиндан кўмак бераётган Дўстлик тиббиёт билим юрти талабалари бошқа хўжаликка пахта теримига олиб кетилганлиги туфайли беш-олти кундан бери узум ва мева топшириш тўхтаб турибди. Ҳали хўжаликда қўл текказидмаган 100 гектар узумзор, 40 гектар олмазор бор. Очиғини айтганда, ишчи кучи етишмайди. Уларнинг бирдан бир ишонган тоғлари ҳашарчи-талабалардир.

— Ҳар доим йилни соф фойда билан якунлаб келаяпмиз. Бу йил эса кўзлаган мақсадимизга етадиганга ўхшамаймиз,— дейди биз билан суҳбатда ширкатлар бирлашмаси раиси Омон ака Холиқов.— Хашарчилардан айрилиб қолдик. Ҳатто ҳудудимиздаги мактаб ўқувчиларини ҳам қўшни хўжаликка пахта теришга олиб кетишди.

Раиснинг ҳақиқатан ҳам куйиб, пишганича бор. Ўз кучлари билан кунига 30—35 тонна мева териб олганда ҳам қишгача уддалаб бўлмас экан. Мевалар ерга тўкилиб чирияпти. Ахир мева ва олмани ким теради?

Нурмамат АЛМУРОДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ғамгарма Банки

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛИНАДИГАН ОМОНАТ БЎЙИЧА ФОИЗ СТАВКАСИ ОШИРИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИГА БИНОАН

1994 ЙИЛ 1 ОКТЯБРИДАН ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛИНАДИГАН ОМОНАТ БЎЙИЧА

ФОИЗ СТАВКАСИ ОШИРИЛИБ — 30 ФОИЗ МИҚДОРИДА БЕЛГИЛАНДИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ.

• *Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига*

БУ ҚАРЗНИ УЗМАСА БЎЛМАС

Яратганга шукрлар бўлсинки, истиқлол шарофати билан улуғ аждодларимиз қурдирган нодир обидалар қайтадан қад ростламоқда. Айниқса Президентимизнинг Фармони билан 1994 йил — Улуғбек йили, деб эълон қилиниши улуғ олим ва давлат арбоби тўйини кенг нишонлашга имкон берди. Шаҳрисабз шаҳрида ҳам Улуғбек тиклаган иморатлар таъмирланиб, ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Қачонки, бу маҳобатли бино ёнидан ўтсам, юрагим сирқирайди. Буюк бобомиз Амир Темур бошлатган, кейинчалик набираси Улуғбек томонидан ниҳоясига етказилган меъморчилик мажмуи — «Дорул тиловот» деб аталган. Юртга собитлик, элга рўшнолик, одамларга инсоф-диёнат тилаб, муқаддас сўзлар тиловат қилинган бу маконда тутқунларнинг оҳу фиғони кўкка ўрлаган замонлар бўлди. Ўттизинчи йилларда масжид қамоқхонага айлантирилган эди...

— Мен шу атрофдаги Чармгар маҳалласида ўсиб-улғайганман,— дейди Шаҳрисабз шаҳар таъмирлаш идорасининг бошлиғи Жовли Ҳайдаров.— Болалик чоғларимдаёқ ана шу ёдгорлик хароб бўлиб ётганига ичим ачирди. Биласизми, масжид биносидан савдо ташкилотининг омборхонаси сифатида ҳам фойдаланиб, ёғ ва бошқа майда чуйдаларни сақлашган. Саксонинчи йилларнинг бошларида Кўкгумбаз жомъе-масжидини қисман тиклашга киришилди. Негадир ишлар тўхтатилиб, ҳавозалар ўн йилча қаққайиб турди. Улуғбек бобомиз қурдирган бинони таъмирлаш энди жадаллашмоқда.

Пири-муршид Шамсиддин Кулол мақбараси ҳам шу ерда. Айрим манбаларда айтилишича, соҳибқирон падари буэрукворини пирининг оёқ томонидан дафн қилдирган экан. Мақбарада ҳозир ёлғиз пирнинг қабри бор. Сағананинг синиқ эшиги ўрнига янгиси ўрнатилибди. Қўш табақали эшикдаги ўйма нақшлар қадимги усталарнинг нодир санъатидан қолишмайди. Бу — шаҳрисабзлик уста Иброҳимнинг маҳорати.

Мақбарага киргач, дуога қўл очдик. Хилхонани соҳибқирон қурдирган, кейинчалик набираси қайта таъмирлатган.

Чеккан изтиробларимизга тасалли шуки, бу маҳобатли устун шаҳрисабзлик усталар томонидан таъмирланибди. Саййидларнинг маъжозий сағанаси ҳисобланган хилхона равоғи тўла тикланган. Ички хона деворларидаги сувоқлар қўчирилиб, нафис нақшлар тикланган. Муқаддас сўзлар билан безалган учта мармар тош яхши сақланган. Тўртинчи кўк тош ҳам аслидай.

— Ҳовлида ободончилик ишлари олиб бориляпти,— дейди туман ёдгорликларни сақлаш ташкилоти бош назоратчиси Равшан Қодиров.— «Ёдгорликларни таъмирлаш ва лойиҳалаш» институти лойиҳаси асосида ишлаяпмиз. Кейинги пайтда қурилган ҳужралар тўла таъмирдан чиқди. Ҳовлидаги эски қудуқ ва минора тикланди. Маълумки, Улуғбек қурдирган Кўкгумбаз масжиди анча вайрон бўлган эди. Бинонинг ташқи гумбазлари тўла қулаб тушган. Бундан анча йиллар бурун ташқи гумбазга ғишт терилиб, чала қолиб кетди. Масжид биносининг олд томонидаги улкан равоқ асосан тикланди, эскилари ўрнига анча янги кошинлар ишлатилди.

Минглаб номозхонларни тўлдирган бинонинг ичкарисига кирамиз. Ички гумбазнинг айрим жойлари ёрилган.

— Хивадаги ёдгорликларни тиклашда кўп маротаба иштирок этганман,— дейди хоразмлик бош уста Ботир Болтаев.— Бир неча ойдан буён Шаҳрисабздамиз. Очиғи, безаклар устини қоплаган дағал сувақларни кўчириш қийин кечяпти. Салгина эҳтиётсизлик олтин суви билан жилоланган нафосат чаманига зарар етказиши мумкин. Биз эса оддий бўёқ ишлатишга мажбурмиз...

— Не қилайликки, бу гумбазни ҳали тўла тиклай олмаймиз,— дейди Жовли Ҳайдаров.— Кўп маблағ, вақт керак. Ҳозиргача 1,8 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Чорқунжак ғишт ва кошин энг муҳим қурилиш ашёси. «Сувсултон» корхонаси чиқараётган ғиштнинг сифати яхшимас. Самарқанд вилоятидаги «Гулистон» жамоа хўжалигига қарашли корхона тайёрлаётган чорқунжак ғиштлар анча пишиқ ва сифатли. Шу корхонадан 20 минг дона ғишт олдик. Афсуски, кейин бермай қўйишди. Автомобиль назорати ходимлари ҳатто юк учун борган машиналаримизни қайтариб юборишди. Ўзимиз имкон изламасак бўлмайди. Бир вақтлар таъмирлаш идорасининг хумдонлари бор эди. Уларни тиклаяпмиз. Чорқунжак ғиштларни ўзимиз пишира бошладик.



СУРАТДА: Мирзо Улуғбек қурдирган Кўкгумбаз жоме-масжидининг ён томони кўриниши.

Б. ТУРАЕВ олган сурат.

Шу аснода саксонинчи йилларнинг бошида шаҳрисабзлик усталар сифатли кошинлар тайёрлашгани, улар ёдгорликларга ишлатилгани ёдимга тушди. Кимдир тўсқинлик қилди, ҳайрли иш унутилди. Тупроқ масаласи чиндан ҳам муҳим. Ғишт яхши пишмаётганлиги шундан. Қирқинчи йилларнинг охирида немис усталари Шаҳрисабзда черепица ишлаб чиқарадиган корхонани қура бошлашган, қисман маҳсулот ҳам чиқаришган экан. Айтишларича, улар шаҳрисабзлик кулоллар тупроқ олган қадимги жойни топишган экан. Шаҳрисабзнинг қоқ ўртасида «Кулоллик» маҳалласи жойлашган бўлса-да, соз тупроққа зор бўлиб келишди. Саксонинчи йилларнинг ўрталарида Китоб кулолчилик корхонаси ходимлари роса овора бўлишгандан кейин Амир Темур номли жамоа хўжалиги ҳудудида соз тупроқ бор жойни топишди. Худди шу жойда немис усталари қуриб кетган бинодан молхона ўрнида фойдаланиладиган экан. Бу жой Қизил дарёнинг қадимги ўзани бўлиб чиқди. Таъмирлаш ташкилоти келгусида ғишт ва қошин учун махсус тупроқни ўша жойдан олишни мўлжаллаб турибди. Умуман, ўтган меъморлар сирини очиш, маҳоратини эгаллаш қунт ва катта фидойилик талаб қилади.

Биз қурувчилар меҳнати туфайли қаддини қайтадан ростлаган Коба ёдгорлиги, қурилиш кетаётган қадимий ҳаммомни кўздан кечириб, ўн саккизинчи аср обидаси — Чубин мадрасасига келдик. Президентимизнинг Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг қарори катта ишларнинг бошланиб кетишига сабаб бўлди. Улуғбек юбилейи муносабати билан шаҳарда ўзгаришлар кўп. Олдимизда бобомиз Амир Темурнинг катта тўйи турибди. Шаҳрисабзликлар учун бу ифтихор ва шарафли. Маълумки, соҳибқирон ўз шаҳрининг ободончилигига ҳамиша эътибор билан қараган. Ҳозир у киши қурдирган энг олий иморатлардан бири Оқсаройни таъмирлаш лойиҳаси тайёрланмоқда.

Шаҳрисабз бугун жаҳоннинг эътиборида. Хорижий эллардан шаҳарга тобора кўпроқ ташриф буюраётган сайёҳлар, осори-атиқа мухлислари буюк давлат қуришга аҳд қилган халқимизнинг маънавий таянчлари —миллий санъат, меъморчилик, урф-одатларимизга қизиқишаётгани бежиз эмас. Боболар бизга буюк мерос ва қарз қолдиришган. Бу меросга чинакам эгалик қилсаккина, аждодлар қарзини уза оламиз. Мен соҳибқирон бобомиз кўзларини қувнатган Оқсарой харобалари қаршисида ўйга толаман. Қазишмалар даврида сарой ҳовлисидан зарҳалланган пахта чаноғи тасвири туширилган яп-алоқ кошинларни топишган экан. Бу — беш-олти аср бурун меҳнат ила доврўғ таратган юрт бойлигининг рамзи. Қанотлари синган оққушдек маъюс турган Оқсарой ҳам руҳи ҳамиша парвозга талпинган халқ қудрати ва санъатининг ёрқин ифодасидир. Не тонг, обидаларнинг маҳобати қаро ғда қайта қад ростлайдиган кунларни кўрсак. Бу кунлар узоқ эмас. Чунки ўлмас руҳ танга, бинобарин, истиқлол чўлғаган Ватанга қайта бошлади...

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Юнус УЗОҚОВ Қашқадарёни пиёда кезган десак ишонарсиз. Бу лоф гап эмас. Поёнсиз Қарши чўлларини қўяверинг, лекин Ҳисор ва Зарафшон тоғларининг одамлар оёғи кам етган жойларини кўрмоқ унга насиб этган. Шул боис ҳам у ўн йиллардан бери сўнгсиз воҳанинг қувончташвишларини баҳоли қудрат мамлакат миқёсида ёритиб келди. Ниҳоят...

Энди у бизнинг таҳририятда — яъни «Ўзбекистон овози»нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбирларидан бири бўлиб иш бошлади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Қадрли муштарийлар!

Маълумки, 1995 йил учун мамлакатимиз газета ва журналларига обуна давом этмоқда. Аввал хабар берилганидек, **«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»** газетасининг йиллик обуна баҳоси 307 сўм қилиб белгиланган эди.

Кўп сонли муштарийларнинг талаб ва истакларини инобатга олиб, муассис — Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши обуна баҳосини ўзгартиришга қарор қилди. Шундай қилиб, **«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»** газетасининг

1995 йил учун обуна баҳоси қуйидагича белгиланди:

Фуқаролар учун:

бир йилга — 252 сўм;

олти ойга — 126 сўм;

Корхона ва ташкилотлар учун:

бир йилга — 528 сўм;

олти ойга — 264 сўм;

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!

• *«Обуна—95»*

МУЛОҚОТГА ЧОРЛОВ

Миллий маданиятимиз ва ўтмиш тарихимизни ўрганишимизда «Мулоқот» журнали кўп хайрли ишларни амалга ошираяпти. Ўтган сонларда журнал саҳифаларида Ислом дини ва унинг халқимиз ҳаётида тутган азалий ўрни, инсон қадр-қиммати, иймон-эътиқод, поклик, одиллик, маданият ва умуминсоний қадриятлар ҳақида ўқишли, қизиқарли мақолалар эълон қилинди. «Тарих ва тақдир», «Мустақиллик фидойилари», «Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари», «Туркистоннинг буюк мутаассаввуфлари» каби рукнлар остида берилган қатор мақолалар кўпчиликнинг эътиборига тушди. Шерали Ашурнинг «Ғарб ва Шарқ: цивилизация ва маънавият», Бўрибой Аҳмедовнинг «Амир Темурнинг давлатни идора қилиш сиёсати», Шоди Каримовнинг «Пантюркизм нима?», Д. Салоҳиддиновнинг «Нур Шарқдандур», М. Эрматовнинг «Ўзбек халқининг миллий шаклланиши», Поён Равшаннинг «Муқанна» каби мақолалари ўтмиш тарихимиз ҳақидаги билимимизни бойитиш билан бирга миллий қадриятларимизни тарғиб қилишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, Шарқ ўзининг буюк мутафаккирлари билан жаҳон тараққиётига муносиб улуш қўшган. Уларнинг бой мероси узоқ вақт ўрганилмади. Ҳар бир миллат ўз ўтмишини яхши билиши керак. Шу боисдан журнал саҳифаларида Туркистоннинг буюк алломалари, уларнинг ҳаёти ва бой ижодий мероси ҳақида ўнлаб мақолалар эълон қилинди. Маълумки, Туркистонда улуғ ва табаррук инсонлар кўп бўлган. Келгуси йилда ҳам биз улар билан ўқувчиларни доимий равишда таништириб борамиз.

Ўзбекистон бугунги кунда бир қатор умидли иқтисодий жараёнларни бошдан кечираётир. Журнал саҳифаларида Р. Эсонқуловнинг «Мустақиллик деҳқонга имкон берди», О. Ҳикматовнинг «Чайқовчилик ишбилармонлик эмас», Р. Норқуловнинг «Янгича хўжалик учун янгича муносабат», А. Ўлмасовнинг «Ислоҳот одилари», С. Икромовнинг «Тараққиёт тамойили» каби мақолалари эълон қилинди.

Биз шу билан бир қаторда ўқувчиларимизнинг санъат ва бадиийятга, гўзаллик ва табиатга нечоғли ошуфталигини ҳам ёддан чиқарганимиз йўқ. Шу боисдан ҳам журналимизда жонажон Ватанимизнинг истиқлолини, порлоқ келажагини акс эттирувчи хилма-хил суратлавҳалар, мўйқалам усталарининг ўлмас асарларидан намуналар бериб боришни режалаштиргамиз.

Азиз муштарий, сизда ошкора, самимий мулоқотга иштиёқ туғилса ёки кўнглингизга нур ёғилишини истасангиз, **«Мулоқот» журналига обуна бўлинг!**

Индексимиз 75401. Бир йиллик обуна баҳоси 36 сўм.

Абдураззоқ КАРИМОВ,
«Мулоқот» журналининг масъул котиби.

• *Қизиқ гаплар*

РОБОТ ПАЛОВ ДАМЛАЙДИМИ!

Японияда бошқа жойларга нисбатан кўпроқ роботлар ишлатилмоқда. Улар сон ва хизмат тури жиҳатидан жаҳон роботчилигининг 60 фоизини ташкил этар экан. «Чакаги очилмас» беминнат хизматкорларнинг сони оз эмас, кўп эмас — 600 мингтага етади, деб ҳисобланмоқда. Японлар бундай темир хизматкорларни ўйлаб топиш ва ишлаб чиқаришда бўш келмаётир. Улар роботчиликда жаҳонда биринчи ўринни эгаллаб турибди.

Япон роботлари ақл бовар қилмайдиган юмушларни бажаради. Махсус бир робот кўзи ожиз кишини етакловчи ит ўрнидаги юмушни адо этмоқда. Япон роботлари автомобилларни йиғиш, металларни пайвандлаш, пластик буюмларни қолиплаш, ёғнинги ўчириш, хизмат хонасини йиғиштириш, бемор кишига қараб туриш ва таом тайёрлаш юмушларини қойил қилмоқда. Унга палов дамлаш ҳеч гап бўлмаса керак.

АЖДАҲО ОҒЗИДАН ЧИҚҚАН ҚИЗ

Непалнинг жанубий қишлоқларидан бирида 9 ёшли қизнинг умри узоқ экан. У тўрт метрли катта илоннинг ошқозонидан омон чиқди. Қизнинг танаси судралувчи маҳлуқнинг ошқозонида сингиб бораётганда ҳамқишлоқлари ёрдамга келиб, уни қутқазишди.

• *Спорт*

КЎЗ ТЕГМАСА БЎЛГАНИ

Тонготар мамлакат деб юритилувчи Японияннинг Хиросима шаҳрида беш кундирки мусобақа машъаласи порлаб турибди. Мухлислар бу спорт анжуманини Осиёда, яъни Осиё олимпиадаси деб ҳам баҳолашади. Бу бежиз эмас. Бонси, бу сафарги Осиё ўйинларида 40 дан ортиқ мамлакат вакиллари қатнашмоқда. Улар спортнинг 34 тури бўйича 337 комплект медаль учун курашадилар.

Истиқлол юртимиз спортчилари бу олимпиадада ўзларининг дастлабки собит қадамларини ташладилар. Айниқса, футболчиларимизнинг ўйинларидан минглаб мухлисларнинг кўнгиллари таскин топмоқда. Ҳозир терма жамоамиз тўрт гуруҳга бўлинган 19 жамоа ўртасида етакчи бўлиб турибди. Маълумки, футболчиларимизнинг Саудия Арабистони футболчилари билан дастлабки масъулиятли учрашувда ғалаба қозонишгани ҳақида ҳикоя қилган эдик. Вакилларимиз навбатдаги ўйинда ҳам ғалаба нашидасини сурдилар.

Футболчиларимиз Малайзия терма жамоаси билан майдонга тушиб, дарвозага 5 та жавобсиз тўп киритишга эришдилар. Тўпларни иккитадан Рустам Дўрмонов билан Игорь Шквирин ва биттасини Андрей Фёдоровлар йўллашди. Шундай қилиб, вакилларимиз икки ўйиндан кейин тўплар нисбатини 9—1 га етказиб, 4 очко билан ўз гуруҳларида биринчи бўлиб турибдилар. Гонконг, Малайзия жамоаларида иккитадан очко бор. «А» гуруҳида Бахрейн, Хитой, Туркманистон, Эрон ва Яман футболчилари ўзаро баҳслашмоқдалар. Бу гуруҳда Бахрейн жамоаси 3 очко билан олдинда бормоқда. Ямандан бошқа жамоаларда биттадан очко бор. «С» гуруҳи эса Қувайт, Корея, Уммон, Непал ва Фаластин жамоаларидан ташкил топган. Бу гуруҳда қувайтликлар 3 та, Корея футболчилари 2 та очко тўплашган. Уммон жамоасида битта очко бор. «Д» гуруҳида 4 та жамоа куч синашмоқда. Хусусан, Каттар, Мьянма, Япония ва Бирлашган Араб Амирликлари жамоалари ҳисобида биттадан очко тўпланган. Кўриниб турибдики, футболчиларимиз дадил одимламоқдалар. Улар икки ўйиндан кейиноқ нимчорак финалга йўлланмани нақд қилиб олишди, деса ҳам бўлади. Агар яна бир ғалабага эришса, уларнинг мавқелари мустаҳкамланиши муқаррар. Ҳар қалай, футболчиларимизга кўз тегмасин, деб турибмиз.

THE 12th ASIAN GAMES HIROSHIMA 1994

Ҳайдар НОСИРОВ.

ҚЎНГИЛЛИ ЗИЁРАТ

Августнинг ўрталари эди. Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек тумани маданият бўлимининг мутасаддилари ташаббус кўрсатдилар. Хўш, биз улуғ аллома номи билан юритилаётган туман аҳли ул зот ҳақида қандай тасаввурга эгамиз, — деган маънода бир сафар уюштирдилар. Йўлимиз олис ва қадимий Бухорои шарифга тушди. Гуруҳимизда ҳамма соҳа вакиллари бор эди. Маҳалла оқсоқоллари, ижодкорлар, олим ва санъаткорлар гапни бир жойга қўйиб, Улуғбек бобомизнинг 600 йиллигига бағишланган учрашувларда қатнашишга муяссар бўлдик.

Йўл-йўлакай Самарқандни ҳам зиёрат этдик. Улуғбек бино этган бир қатор меъморий обидаларни кўздан кечирдик. Орамизда бундай ноёб хазиналарни кўрмаганлар ҳам бор эди. Уларнинг юраклари тўлиб, айтган ҳайратли сўзларини келтиришимиз шарт эмас. Сўнг Бухорога йўл олдик. Аввал Ғиждувонда, сўнг Бухоро Давлат университетида, технология институтида, Вобкент туманида йирик учрашувлар бўлди. Бу мулоқотларнинг ҳар бирида Мирзо Улуғбек ҳақида сўз кетди. Биз билан бирга борган олимлар, ёзувчилар ва шоирлар улуғ бобомиз ҳақида билганларини сўзлаб бердилар. Санъаткорлар йиғилганларни ўз чиқишлари билан мамнун этишди.

Яна бир унутилмас воқеа, биз Самарқандга етар-етмас ҳадис илмининг султони ҳисобланмиш Муҳаммад ибн ал-Бухорий мақбарасини зиёрат қилдик. Бухородаги учрашувларимиз тугагач, яна бир улуғ зот Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳига бордик.

Кўнгилли зиёратдан қайтяпмиз-у, ҳеч ким «толиқдим, чарчадим», демайди-я. Ҳаммаларнинг кўнгли тоғдай кўтарилган. Ана шунда биз — шу юртда туғилиб ўсганлар аввало она тупроғимизда ётган азиз инсонларнинг зиёратгоҳларини бир кўрмоқ ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз эканлигини чуқур ҳис этдик. Уларнинг руҳи доимо тирик! Бизни ҳар қадамда сўроқлаб турмоғига ишондик.

Марварид ЖАЛОЛИДДИНОВА.

• *Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо тошқусидир!*

ТАҚИНЧОҚ ТОМОШАСИ

Дам олиш куни эди. Ўртоғим билан 89-автобусда «Олой» бозоридан уйга қайтяпмиз. Одам тиқилинч. «Акалар мени шу ерга ўтказиб юборинглар» дея бир қиз иккковимизнинг орамизга сурилиб кирди. «Анаву бозордан бери таъқиб қилиб келяпти», — деди овози чиқар-чиқмас, эшик олдида турган йигитни кўрсатиб. Қиз қулоғи, бармоғидаги тилла тақинчоқларини сумкасига солиб қўйди. Унинг ишончли ҳимоячилар панасида кетаётганини сезган йигит кейинги бекатда тушиб қолди. Қиз ҳам манзилига эсон-омон етиб олди. У шундоқ қўшни маҳаллада яшаркан.

Тақинчоқ тақиб, гоҳида ундан айрилиб қолаётганлар афсуски, топилиб туради. Аёлларимиз ҳусни-жамолини очиб турган тақинчоқларни қўл, бўйин, қулоғидан юлиб кетаётган ноинсофлар ҳали орамизда бор.

Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси ходимлари бундай нопок кишиларга қарши кураш олиб бормоқда. Шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси навбатчилик қисмига бойлик орттиришнинг шу усули билан қўлга тушаётганлар ҳақида тез-тез хабарлар келиб турибди.

Мирзо Улуғбек туманидаги «Чимён» дўкони олдидан ўтиб кетаётган Илҳомованинг қулоғидаги тилла тақинчоқларини номаълум шахс юлиб кетади. Жабрланувчи милицияга бу ҳақда хабар бергач, Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар бошқармаси ходимлари жиноятни «иссиғида» фош этишди. «Чаққон» ҳеч қаерда ишламайдиган, Юнусобод тумани 19-мавзесида яшайдиган, Х. Салим бўлиб чиқди.

Миробод туманида истиқомат қилувчи Андрей ва Сергейлар ҳам бирон жойда ишлаб бир тийин топишган эмас, бу иккковлон ўғирлик қилиб бойишмоқчи бўлишди. Шу мақсадда Мовароуннаҳр ва Нукус кўчалари чорраҳасида нафақахўр Низаткеримованинг қулоғидаги тилла зиракларини юлиб қочишди. Икки ўсмир узоққа боролмади, Воқеадан хабар топган йўл-патрул хизмати ходимлари уларни ушлаб, милиция бўлимига келтиришди.

Полиграфия техникуми ўқувчиси Ирина, С ҳам ҳамма аёллар каби зару тақинчоқларнинг шайдоси. Аммо у ҳалол ишлаб пул топмасдан тақинчоқлар тақиб ҳаммага кўз-кўз қилиб юрса бўлади, деб янглишди.

Мирзо Улуғбек тумани Доғистон кўчасида чамаси соат 16 ларда Нурмуҳамедованинг шошилиб автобусга чиқаётганидан фойдаланган Ирина шартта унинг бўйнидаги тилла занжирига чанг солди. Ўлжани қўлга киритиб, одамлар кўп, серқатнов йўлкадан қочиб қолишга уринди. Тилла занжиридан айрилиб қолишни истамаган қиз ўғрини тутинглар, дея атрофга жар солди. Шу ерда хизматни ўтаб юрган милиция ходимлари Иринани ушлаб олишди.

Яккасаройлик С. А. тилла узукни деб бир қориндан талашиб тушган акасининг умрига зомин бўлди. Тунги соат 2 дан 40 дақиқа ўтганида у ўз қабиҳ ниятини амалга ошириш учун акасининг бошига болта билан урди...

Ўғирлик ҳеч бир замонда кишига обрў олиб бермаган. Халқимиз ўғирликни жиноятлар ичидаги энг ёмони, деб билади.

М. АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси матбуоти хизмати ходими.

УТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши аппарати жамоат ташкилотлари Қорақалпоғистон республика партия кенгашининг иккинчи котиби С. Қутлимуротовга онаси

Алия КУЛЕСОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси аграр мажмуа тараққиёт истиқболини белгилаш ва ислоҳот бўлимининг кичик бўлим бошлиғи Бахтиёр Шерматовга отаси

Шермат БЕГМАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон телерадиокомпанияси бадиий жамоалари Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг созандаси Ҳусниддин Асадуллаевга отаси

Раҳматулла Қори АСАДУЛЛА ўғлининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖУРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-95, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Нукусда — 7-58-83;
Бухорода — 3-54-87; Қаршида — 3-25-79;
Гулистонда — 2-26-22; Қўқўрғонда — 52-624;
Жиззахда — 3-31-86; Самарқандда — 35-22-90;
Навоийда — 3-74-76; Урганчда — 6-72-60;
Наманганда — 6-43-43; Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди—23.00
Г—1181 т. 72841 нусхада босилди.
Навбатчилар: А. МАННОПОВ, М. ҚИЁМОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.

1 2 3 4 5 6.